ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

22 август, шанба 1998 йил №99(600)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 7 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА 9 КУН ҚОЛДИ

Изҳори дил

ТАРИХ ОФТОБИ - АДОЛАТ

1. Истиқлол Сизнинг тақдирингизда.
2. Мустақилликнинг еттинчи йили қандай ўзгаришларни ҳис этаяпсиз?
3. Мустақил она юртнинг эртанги кунини қандай тасаввур этаяпсиз.

Муҳтарама УЛУҒ, шоира.

1. Ҳар кимнинг орзуси аввало ўз соҳаси, интилишлари билан боғлиқ бўлса, ажабмас.

Журналистика соҳасида баҳоли қудрат фаолият кўрсатаётганимга йигирма йилдан ошди. Бир-бирига ўхшамаган қанчадан қанча тақдирлар билан танишдим. Тилда «барчаси тенг ҳуқуқли» бўлган, аммо амалда эса қай бири чексиз имконият имтиёзларгаю, бошқаси фақат ва фақат меҳнат машаққатларига эга бўлган тоифалар вакиллари билан учрашдим. Тўғри, инсоннинг тақдири кўп жиҳатдан ўзининг меҳнатсеварлиги, ақлу заковати, билимдонлигига боғлиқ. Лекин емирилган қизил тузумда қизил тузумнинг ҳайбаракаллачилари, лаганбардорлари, ишдан ҳам кўпроқ гап билганлари мукофоту обрўга сазовор этилгани; ҳалол меҳнатга умрини боғланганлар эса хўжакўрсинга «байроқ» қилиб кўтарилганларнинг орқасида қолиб кетганлари кўпчиликка сир эмас.

Уша йиллари юртимизнинг узоқ-яқин жойларидаги ҳақиқий фидойилар билан танишиб, сухбатлашиб қайтганимдан кейин таассуротларни қоғозга туширишга анчагача қийналиб юрардим. Чунки ростини - ўз кўзинг билан кўрганларни ёзсанг, яъни бир умр боши меҳнатдан чиқмаган одамнинг косаси оқармагани тўғрисида ҳикоя қилсанг борми...ундай мақола, лавҳа ёки очерк босилиб чиқмасди. Хуллас, гапни у ёққа айлантирардик, бу ёққа айлантирардик... меҳнатдан на қадр, на давлат, на обрў топмаган юртдошимиздан «даврнинг бахту саодатли қаҳрамони» ясардик.

Ҳаёт воқеаларини ёлғонларсиз, соҳта кўпиртирмай, оддий ва дилга яқин қилиб ёзмоқ ҳам, худди шундай ёзилган нарсаларни ўқимоқ ҳам нечоғли завқли, ёқимли эканлигини сўнгги етти йил ичида ҳис қилдим.

Ҳар кўнгилнинг бир умр армон бўлиб қолган орзулари ҳам бўлади. Қачондир унинг рўёбга чиқишига ишонган дил ҳам маълум маънода бахтлидир. Истиқлол бизга фарзандларимиз келажаги ёрқин бўлишига ишонч, пойдевор яратди, иншоолоҳ.

Келажак билан, авлодларимиз истиқболи билан боғлиқ яна бир улуғ хаёлларимиз бор эди: Марказий Осиё халқларининг тарихий яқдил, ҳамдаму ҳамкорлигини орзу қилардик. Бундан ўн йиллар аввал мана шу мақсаднинг рўёбга чиқишида матбуот ташаббускор бўлишини таклиф қилгандим. Ушанда айрим журналлар ўз ходимларини қўшни республикаларга юбориб, улар билан ҳамкорлик қилишганди. Лекин бу иш ҳам ўша пайтларда барча соҳаларда бўлгандек, «компаниячилик» шаклида бир ой давом этиб, кейин яна ёддан кўтарилганди. Мустақиллик шарофатидан яқин қўшни давлатлардаги қондош-жондошлар билан гўёки янгидан топишдик. Бу бирлик дунё ҳамжамияти ичра кўксимизни янада баланд, эзгу мақсадлар йўлидаги қадамларимизни собит этиши шубҳасиз.

Бир-бирин жон-жигар пораси,
Суянчи, кўзларин қораси,
Яқин қош-қовоқдан ораси-
Туроннинг беш буюк боласи:
Ўзбек, қозоқ, қирғиз юртидир,
Туркман, тожикнинг қалб ўтидир-
Марказий Осиё бу!

2. Хотирамга мана бу манзаралар тарихий кино лавҳалар каби муҳрланиб қолган: истиқлолнинг илк йиллари. Мен онамни кўриб келиш учун «Тошкент-Марғилон» автобусида кетиб бораман. Аввалари, бу катта йўлнинг икки чети бора-боргунча пахтазор, пахтазор, пахтазор... эди. Янги тарихимиз нафасини илк бора мана шу йўллар четида бошланган қаторқатор янгидан қурилаётган уйлар, ҳовлиларда ҳис этдим. Уша пайтгача остонасига қадар пахта экилган тор ҳовлиларда бир неча оилалаб қисилиб, қимтиниб яшаган юртдошларимиз ўзларига берилган кенг майдонларда шиддат билан иморат тиклардилар. Аллақачон қоронғу тушган бўлишига қарамай, чироқлар ёқиб девор кўтараётган, эшигу дарча ўрнатаётган, сувоқ қилаётган оталар, акаларнинг юзлари кўринмаса-да, кўтаринки кайфиятни қалбан ҳис қилардим.

Уша манзараларни мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларига рамзий равишда солиштираверамман: ўз ери, ўз корхонаси, ўз меҳнатининг самараси, ўз Ватани туйғусини ҳис этган ватандошларимиз келажакка ишонч билан истиқбол пойдеворини қўймоқдалар.

3. Биз - катта ва ўрта авлоднинг онгимизда «тенглик» деган тушунча ҳам бирмунча тор шаклланганлигини кейинги йилларда англадим. Оллоҳ олдида барчаси тенг қилиб яратилган ер юзи аҳлининг ҳар бири энг аввало ўзўзини бошқалар билан руҳий эркинликда тенг ҳис қилмоғи шарт экан. Кимлар ранг-рўйини, кимлар ўзи яшаётган ҳудудни пеш қилиб, кимлар эса ўз-ўзини «ақлли» деб жар солиб улуғлик, буюклик даъво қилишидан тарихий адолат мезони бузилади. Замоннинг адолатсизлик тоши остида яшаган халқ, миллат қачон бахтли бўлибди?

Бугунги кунда мустақилликни қалбдан ҳис қилаётганлар кўп, улар орасида бу улуғ саодатни ўз қаричи билан ўлчаб шарҳлаётганлар ҳам йўқ эмас.

Қуёш интилган ҳарки гулу гиёҳга, жониворларга, одамзотга ҳаёт, ҳарорат, умид бахш этади. Мен истиқлол туфайли бизга насиб этган буюк адолат - бани инсон фарзандларининг тараққиётга, эзгуликка интилаётган илғор сафларида тенг одимлаш, яратиш ва келажакка ишониб яшаш ҳуқуқини барқарор этган мустақилни офтобга ўхшатаман. Ва шу офтоб шуъалари дунёсида фарзандларимиз, янги авлодимиз бундан етти йил аввал бошланган янги тарихимизнинг зарҳал саҳифаларини ёзадилар, иншоолоҳ.



Қуйичирчиқ туманидаги Чустобод нон комбинати жамоаси эл дастурхонини нон маҳсулотлари билан тўкин этишга ҳаракат қилаётир. Мустақиллик байрами арафасида комбинатда музқаймоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Суратда: цех бошлиғи В.Арутюнов, ишчилар Л.Ишева, Н.Аҳмедовалар.

Н. МУҲАМАДЖОНОВ олган сурат.

Қизғин баҳс олдидан

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Маълумки, шу йилнинг 5-7 сентябрь кунлари пойтахтимизда миллий кураш бўйича Президент соврини учун халқаро мусобақа ўтказилади.

Мусобақада нафақат, мамлакатимиз, балки, жаҳондаги барча мамлакатлардан кучли полвонлар ўзаро беллашадилар.

Бу нуфузли мусобақани қизиқарли, кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида аниқ тадбирлар белгиланган.

Шу муносабат билан яқинда, матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Республика физкультура ва спорт қўмитасининг раиси Б.Махситов ва Ўзбекистон миллий кураш Федерацияси раисининг ўринбосари А.Тўйчиевлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

РОССИЯ ПОЙТАХТИДА ЁНҒИН

Россиянинг Ягона энергетик система ҳиссадорлик жамияти биносида кучли ёнғин содир бўлди. Ўз вақтида етиб келган ўт ўчирувчилар ҳаракати билан ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлинди. Ёнғин оқибатида Россия энергетик соҳасининг бош қароргоҳи анча шикастланган. Курбонлар бўлмаган. Россия Ягона энергетик система ҳиссадорлик жамияти раиси Анатолий Чубайс ёнғинни ўчиришда жонбозлик қилган ўт ўчирувчиларга миннатдорчилк изҳор этди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА ХОТИРА КУНИ

Прагада Чехословакияда содир бўлган фожеали воқеаларнинг 30 йиллиги нишонланди. 1968 йилнинг 20 дан 21 августга ўтар кечаси собиқ Совет Иттифоқи ташаббуси билан Варшава Шартномасига аъзо мамлакатлар қуролли кучлари Чехословакия чегарасини бузиб кирган ва Прага шаҳрини ишғрол қилган эдилар. Бу ҳужумга Чехословакия халқининг совет тузумига қарши чиқиши сабаб бўлган эди. Варшава Шартномаси мамлакатлари қўшинларининг ҳужуми оқибатида кўплаб чехословаклар ҳалок бўлган, юзлаб одамлар қамоққа ташланган, Прага шаҳрининг ўнлаб кўчалари эса вайронага айланган эди.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

Германия ҳукумати мамлакатда фаолият кўрсатаётган серб журналистларига нисбатан кескин чоралар қўллаши мумкин. Бир неча кун аввал Германиянинг Сербиядаги журналисти Фридхельм Дребик серб ҳукумати томонидан айбланиб, Сербия ҳудудидан чиқариб юборилган эди. Немис журналисти ва унинг суратга олиш гуруҳи Косоводаги уйлардан бирини атайин ёқиб юборган ва бу манзарани серб полицияси ҳужуми вақтида содир бўлган фожеа сифатида кўрсатиш учун суратга олган эканлар. Серб ҳукуматининг немис журналистларини Сербиядан чиқариб юборганига жавобан, немис ҳукумати ҳам Германиядаги серб журналистларини мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш ниятини билдирган.

ТОЛИБЛАР БИЛАН ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР

Чеченистондан олинган хабарга кўра, Афғонистоннинг «Толибон» ҳаркати чечен ҳукумати билан дипломатик алоқаларни ўрнатган. Чеченистон Афғонистон толиблари билан дипломатик алоқа ўрнатган биринчи давлат бўлди.

МУХОЛИФАТ САЙЛОВГА ҚАРШИ

Озарбайжондаги бирлашган мухолифат вакиллари мамлакат президенти сайловларини кечиктириш ва бу сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнини тўхтатиб қўйиш лозимлигини таъкидламоқдалар. Мухолифатнинг баёнотига кўра, Озарбайжон президенти сайловларига тайёргарлик кўриш жараёни сохталаштирилган. Мухолифат сайловлар ўтказишни кейинги йилга қолдиришни талаб қилмоқда.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

Истиқлол мушоираси

ҲУРРИЯТ ЙЎЛИ

Ҳурлик!
Онамдирсан, қўлларингни бер!
Хуш кўрдим!
Кўнглимдан дардларим кетмиш.
Хуш кўрдим!
Дилимни ёритувчи нур.
Хуш келдинг!
Орзуга айланган ўтмиш!
Қафасни кўтариб толди қанотим,
Қафасларда қолди куйим баётим.
Зимистон дунёда... бошим устида
Қузғунлар айланди, сўнди ҳаётим.
Эрк дедим!
Куйлатдим суякларимни.
Эрк дедим!
Гуллатдим тилакларимни:
Адашган замоннинг ўқлари тегди -
Қонимга ботирдим кўйлакларимни.
Замин айланмади...
айланди бошим -
Қисмат қачон тушар қўлингдан тошинг.
Агар Ҳурлик бўлса... етмаган Халқмас
Бир тонг чиқажакдир менинг Қуёшим.
Кўп кутдим... қаҳрлар қўзғатди мени,
Қон ютдим... макрлар тўзғитди мени,
Жон тутдим...бахрлар изғитди мени...
Хўп кутдим. Кўп кутдим Озодлик Сени.
Бир тонг...кишанларим узилди чил-чил,
Бошимдан ойболта қайтди - зил-замбил.
Йиғладим... кўзимнинг ёшлари дарё...
Бу дарё бўйида... гуллар Сусамбил.
Ассалом, озод Юрт!
Ассалом, Ота!
Ассалом, ҳур, озод туғилган болам...
Сунбула тонгида уйғонган Ватан,
Ассалом кулгига айланган нолам.
Қалқиб оқаётган дарёдирсан Халқ,
Қора кунлар қолди - аччиқ, шўру талх.
Енгингдан кирувчи ёғийларинг бор
Бир тан бўл, бир жон бўл...
Эрк деб энди қалқ!
Бугун Сен Озодсан...
Бугун ҳур бўлдинг,
Бугун баланд бўлдинг...
Бугун нур бўлдинг.
Овозинг оламга ёйилди - Айём!
Айёминг муборак... Миллат, зўр бўлдинг!
Қодирий розидир, розидир Чўлпон,
Жонни аямасам - эрк учун ўлсам...
Не қипти? Шаҳидлар юрагин олиб
Эрк туғи қўлимда қайтадан келсам.
Ассалом, Озод юрт!
Ассалом, Ота!
Ассалом, ҳур озод туғилган болам!
Сунбула тонгида уйғонган Ватан,
Ассалом, кулгига айланган калом.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Касаба уюшма ҳаёти: халқаро муносабатлар

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Мамлакатимиз касаба уюшмаларининг халқаро муносабатлар ва алоқаларининг тобора кенг кўламда кечаётганлиги ҳам ушбу устувор йўналишларнинг бир қиррасидир.

Қуйида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари ЗОИР ҚОДИРОВнинг бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақидаги суҳбатини чоп этамиз.

- Зоир Эсонович, касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг V мажлисидан кейин мамлакатимиз касаба уюшмаларининг хорижий мамлакатлар билан алоқаларида қандай ўзгаришлар рўй берди?

- Маълумки, ўтган йили барча тармоқ касаба уюшмалари ялпи Конфедерацияси таркибига кирувчи халқаро касаба уюшма ташкилотларидан чиқдилар. Чунки, кейинги йилларда Конфедерация касаба уюшмалари бевосита шуғулланишлари керак бўлган вазифаларни эътибордан қочириб, кўпчилик ҳолларда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудидаги сиёсий масалаларга аралашиб қолди.

Конфедерация ва унинг халқаро ташкилотларининг бу тарзда иш юритиши мустақил Ўзбекистоннинг касаба уюшмалари Уставига ҳам, ҳаракат Дастурига ҳам тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари уни ўзлари учун номақбул деб ҳисоблаб, унинг ҳаракатларига қўшилишдан воз кечдилар.

Касаба уюшмаларимизни мазкур ташкилот таркибидан чиқишлари уларнинг бошқа илғор давлатлар касаба уюшмалари билан бўладиган алоқасига таъсир этмади.

(Давоми 2-бетда)

Касаба уюшма ҳаёти: ижтимоий ҳимоя

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ЯНГИ УЙЛАРДА

«Тошкентгеология» давлат геология корхонаси касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш йўлида қатор тадбирлар тузиб амалга оширмоқда. Шу сабабдан жойларда 11 та касаба уюшма қўмиталари экспедициялар ҳузурида кўплаб касаба гуруҳлари тузилган. Шунинг учун касаба уюшма қўмитаси иши анча мураккаб, серқирра ва тиниб-тинчимай ишлашни талаб этади.

Мухбиримиз Будир Пўлатов мазкур давлат қўмитаси касаба уюшма етакчиси Вячеслав Георгиевич Протасовга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

- Меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодиф ҳимоялаш йўлида олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берсангиз?

- Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида корхонанинг барқарорлиги ва корхона жамоаси аъзоларининг турмуш шароити бир-бири билан узвий боғлиқ. Бу ўринда эса маъмурият ва жамоа номидан касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг ўрни каттадир. Шу сабабдан ҳам биз жамоа шартномасини пухта тузиш ва унинг ижросини таъминлашга катта аҳамият берамиз. Жамоа шартномаси унумли меҳнат қилиш ва меҳнаткашлар ижтимоий фаровонлигини таркиб топтиришга хизмат қилувчи воситага айланган.

Корхонанинг ўзига хос қонунлар мажмуи деб юритилувчи бу ҳужжатда ишловчилар учун қатор имтиёзлар белгиланган. Масалан, ер ости ишларида ишловчи ишчилар, денгиз сатҳидан 2301 метр юқорида иш бажараётган ишчи, муҳандис-техник ходимларга иш куни 6 соат қилиб белгиланган. Чунки меҳнаткаш соқлиғи биз учун жуда муҳим. Ишчи-хизматчиларни дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб этмаслик ҳақида алоҳида банд киритилган. Фақат табиий офат, авария каби алоҳида ҳолатларда рухсат этилиши мумкин.

(Давоми 2-бетда)

АМЕРИКА АФҒОНИСТОН ВА СУДАННИ ЎҚҚА ТУТДИ

бу террорчиларга қарши жазо деб баҳоланмоқда

Америка қўшма Штатлари Афғонистон ва Суданга ракета зарбалари берди. Президент Билл Клинтоннинг сўзларига қараганда, террорчилик ҳаракати билан боғлиқ бўлган объектлар аниқ нишонга олинди. Суданда Хартум шаҳри яқинидаги кимёвий қуроллар ишлаб чиқарадиган завод портлатиб юборилди. Афғонистонда эса, саудиялик машҳур террорчи Осама бин Ладеннинг макони бўлмиш объектлар нишонга олинди. Бу жойларни Президент Клинтон терроризмнинг энг фаол маконларидан бири деб ҳисоблайди. Америка Президентининг таъкидлашига кўра, ушбу зарбалар мамлакатнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналари ёнидаги портлатишларга нисбатан тўғридан-тўғри жавобдир.

Террорчиларнинг Афғонистондаги лагерига ҳарбий зарба бериш пайтида у ерда Осама Бин Ладеннинг 600 жангчиси бўлиши мумкин эди. Бу ҳақда АҚШ қуролли кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси генерал Генри Шелтон матбуот анжуманида айтди. Унинг маълумотларига кўра, террорчиларнинг макони Қобулдан 150 километр жануброкда, Афғонистон-Покистон чегарасига яқин ерда жойлашган. Бир йўла Судандаги «Шифа» компаниясининг фармацевтика заводига ҳам зарба урилган. Ушбу объектларга зарба бериш пайтида қанотли ракетлардан фойдаланилган.

Террорчиларнинг Судан ва Афғонистондаги объектларига зарба берилиши муносабати билан Президент Клинтон Россия Президенти Борис Ельцинга мактуб йўллади. Унда ракета зарбалари берилиши сабаблари баён этилган. Клинтон шунга ўхшаш мактубларни Франция Президенти Жак Ширак ва ХХР раиси Цзян Цзэминга ҳам йўллаганлигини айтди. Клинтон Оқ уйга кириб келиб, хорижий мамлакатларнинг раҳбарларига қўнғироқ қилди. Клинтон телефон орқали Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр, Миср Президенти Хусни Муборак ва Покистон Бош вазири Навоз Шариф билан ҳам суҳбатлашди.

Миллий хавфсизлик масалалари бўйича АҚШ Президентининг маслаҳатчиси Сэмуэль Бергернинг айтишига кўра, Хартум яқинидаги фармацевтика заводи ракета зарбаси натижасида жиддий зарар кўрган. Бин Ладеннинг Афғонистондаги лагерларига берилган зарбалар натижаси ҳақида эса ҳозирча маълумотлар йўқ.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг қолган қисми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

Касаба уюшма ҳаёти: халқаро муносабатлар

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

- Республикамиз касаба уюшмаларининг халқаро фаолияти қандай мақсадларга қаратилган?

З.Қ. - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг халқаро фаолияти аниқ бир мақсадга меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳасида хорижда тўпланган тажрибаларни ўрганишга, уни амалда қўлланишига кўмаклашишга, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, экологик муаммоларни таҳлил этиш ва улар юзасидан ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқишга, шунингдек турли мамлакатлар касаба уюшмаларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

- Маълумки, жаҳонда кўплаб касаба уюшма ташкилотлари мавжуд. Мамлакатимиз касаба уюшмаларининг улар билан алоқалари қай тарзда кечмоқда?

З.Қ. - Республикамизда истиқлолнинг майин эпкини эса бошлаганидан бери она юртимизга хорижий давлатларнинг бўлган қизиқиши тобора кучайиб бормоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятига жаҳондаги илғор мамлакатлар ҳамда Халқаро касаба уюшма марказларининг қизиқиши катта. Касаба уюшмаларимиз ҳаракатига қизиққан, биз билан алоқа ўрнатишни хоҳлаётган хорижий мамлакатлар касаба уюшмалари тобора кўпаймоқда.



Суратда: Дания ишчилар маорифи ассоциацияси координатори Хенрик Йесс ташрифи пайти.

Буюк давлат ҳисобланмиш Хитой касаба уюшма ташкилотлари билан алоқаларимиз 1992 йилдан бери давом этиб келаяпти.

Федерация кенгаши ва тармоқ касаба уюшма қўмиталарининг Туркия касаба уюшмалари хусусан Туркиядаги бир ярим миллион аъзоси бўлган «Турк Иш», 500 минг аъзоси бўлган «Ҳақ Иш» катта маблағ ва мулк эгаси бўлган «Турк-Металл» касаба уюшмаси билан ўрнатган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ибратлидир.

«Турк-Металл»нинг Бош раиси жаноб Мустафо Ўзбек асли келиб чиқиши Бухородан бўлиб, Нақшбандий авлодларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда унинг 640 йиллик шажараси юритилади.

Яқинда Федерация кенгашининг вакиллари Туркияда бўлиб Европа ва Осиё металл ишчилари касаба уюшмасининг қурултойида иштирок этиб қайтдилар.

Мамлакатимиз касаба уюшмалари дунёдаги энг йирик халқаро касаба уюшма маркази Эркин касаба уюшмалари халқаро Конфедерацияси билан турли даражалардаги алоқаларни амалга ошириб бораяпти. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференцияси сессиялари ишида мунтазам қатнашиб келмоқдамиз.

АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Корея, Дания каби йигирмадан ортиқ мамлакатларнинг касаба уюшма марказлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ушбу ҳамкорлик касаба уюшма вакилларининг бир-бирларига ташрифи, уларнинг ўқувини ташкил этиш ҳамда ўзаро тажриба алмашинишидан иборатдир.

Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатлари касаба уюшма марказлари билан ўзаро имзоланган битимлар асосида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган.

- Касаба уюшмаларимиз халқаро алоқаларининг ҳозирги кундаги ҳолати ва яқин келажакдаги режалари тўғрисида сўзлаб берсангиз?

З.Қ. - Биз асосий эътиборни тараққий этган мамлакатларнинг касаба уюшмалари марказлари билан ҳамкорлигимизни янада такомиллаштириб, унинг янгидан-янги йўналишларини белгилашга қаратдик. Словакия, Чехия, Венгрия, Кувайт, Шотландия касаба уюшма марказлари билан алоқалар ўрнатиш юзасидан муайян ишлар олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг вакиллари Япония халқаро меҳнат жамғармаси таклифига биноан Японияда бўлиб, меҳнат муносабатлари тизимини ўрганиш, бунда касаба уюшмаларининг роли билан танишиш билан бир қаторда ҳар иккала мамлакатлар касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш масаласини муҳокама этиб келдилар.

Дания ишчилар таълими Ассоциацияси билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Ушбу ташкилот Данияда, Дания аҳолисининг кўплаб қисмини ўқув жараёнларига жалб қилиб, махсус курслар учун турли ўқув материалларини тайёрлаб бермоқда. Дания ва республикамизда олиб борилган музокаралар натижасида даниялик ҳамкасблар билан Ўзбекистонда катта ёшдаги аҳолини ўқитиш борасида шуғулланувчи марказ барпо этишга келишиб олинди. Ассоциация мамлакатимизда ташкил этиладиган курсларда туб иқтисодий ислоҳотлар олиб борилаётган диёримиз аҳолиси учун «Менежмент», «Бухгалтерия ҳисоби», «Бюджет», «Меҳнат бозорининг қонунлари», «Касаба уюшмаларида аёллар» каби ўқув дастурлари асосида ўқувни ташкил этиш режалаштирилган.

- Халқаро Эркин касаба уюшмалари Конфедерацияси билан ўрнатилган ҳамкорлик тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз... Ташкилот бутун Планета бўйлаб ҳаракат қилиш дастурига эга.

Истиқлол шарофати

З. Қ.- Яқинда Халқаро Эркин касаба уюшмалари Конфедерацияси Марказий Осиё ва Шарқий Европа координацияси сектори мудири Анна Улатар бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди. Ташриф чоғида мустақил давлатимизнинг энг йирик, нодавлат жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмаларимиз билан Халқаро Эркин касаба уюшмалари Конфедерацияси ўртасида ҳамкорликни авж олдириш масалалари муҳокама этилди. Делегация раҳбари Анна Улатар касаба уюшмаларимиз фаолиятига баҳо берар экан, «Ўзбекистонда касаба уюшмалари катта куч ҳисобланар экан. Тўғриси, ҳатто бугунги катта мавқега эга бўлган баъзи мамлакатларда ҳам касаба уюшмаларининг аъзолари аҳолининг оз қисмини ташкил этади. Ўзбекистон - ҳамкорлик учун имкониятлар юрти» деб таъкидлаб ўтди.

- Яқинда мамлакатимизга Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси вакилларининг ташрифи ҳақида қандай фикрдасиз?

З.Қ.- Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси С.Мехболиев бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи чоғида ҳар иккала мамлакат касаба уюшмаларининг қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, янгича шароитда иш юритиш ва тажриба алмашиниш, ўзаро алоқаларни кенг йўлга қўйиш томонлар учун фойдали эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Фаолиятлари тўғрисидаги турли ахборотларни ўзаро айирбошлаш, касаба уюшмаларининг конференция, қурултойларида иштирок этиш, касаба уюшмаларининг долзарб масалаларига бағишланган семинарларни ўтказиш, касаба уюшма қурилишини такомиллаштириш юзасидан тажриба алмашиб туриш, ўқув марказларини ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш борасида сиҳатгоҳ ва дам олиш муассасаларига йўлланмаларни алмашиб туриш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан биргаликда тадқиқотлар ўтказиб бориш, шунингдек ҳамкорликда тавсияномалар, дастур ва меъёрий-ҳуқуқий, қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш каби масалаларни ўзида акс эттирган Битимни Озарбайжон ва Ўзбекистон касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари имзоладилар.

- Касаба уюшмаларимизнинг халқаро фаолияти билан боғлиқ бўлган режалари тўғрисида сўзлаб берсангиз.

З.Қ. - Шу йилнинг октябрь ойида Туркиядаги «Ҳақ иш» конфедерациясининг ташкил топганига 23 йил тўлади. Шу муносабат билан Туркиялик ҳамкасбларимиз республикамиз касаба уюшмалари вакилларини мазкур сана билан боғлиқ бўлган тантаналарда иштирок этишга таклиф этдилар. Вакилларимиз ушбу тантаналар дастури доирасида ўтказиладиган «Глобализация жараёнида касаба уюшмалари ҳаракати ва касаба уюшмаларининг минтақавий ҳамкорлигини яхшилаш» масалаларига бағишланган кенгаш ишида иштирок этадилар. Шунингдек, Вьетнам касаба уюшмаларининг VIII қурултойи ишида ҳам қатнашишни режалаштирганмиз. Япония меҳнат жамғармаси (жилоф) таклифига биноан у ерда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида касаба уюшмаларининг ўрни ва ролига бағишланган семинар-кенгаш ишида ҳам иштирок этамиз...

Хуллас, мустақиллик неъматидан баҳраманд бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳозирги даврда халқаро ҳамкорликни ниҳоятда муҳим эканлигини назарда тутиб, ушбу соҳада ҳам ўзининг устувор йўналишларини белгилаб олди ва уларни ҳаётга тадбиқ этишда барча касаба уюшма ташкилотлари билан фаолият кўрсатиб бормоқда.

- Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: Ш. ЁҚУБОВ.

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ЯНГИ УЙЛАРДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Агар ишчи-хизматчи мазкур корхонада бир йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлса, меҳнат интизомини бузмаган бўлса, меҳнат таътилига кетаётганда соғлигини тиклаши учун камида ярим маош миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, қишга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ғамлаш учун энг кам миқдордаги икки ойлик иш ҳақи берилиши ҳам киритилган.

Умуман корхонамизда меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Жамоа шартномаси бажарилишининг ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланиб борилади. Қонуний йўл билан жамоа шартномаларига қўшимчалар киритиб бормоқдамиз. Бунга мисол келтириш мумкин. Шу йилнинг 1 августидан бошлаб ҳар ой кам таъминланган оилалардаги ҳар бир фарзанд учун бир ярим минг сўмдан пул ажратиш қоидага киритилди. Бу эса оила йили муносабати билан қилинган хайрли ишлардан бири бўлди.

Жойларда бўлинмаларимиз, экспедицияларимиз бор. Касаба уюшма ташкилоти имкониятларидан келиб чиқиб, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилмоқдалар. Масалан, яқинда Шарқий қурама экспедициясида кам таъминланган оилаларга 10-15 килограммдан гуруч, ун ва пахта ёғи тарқатилди. Шунингдек, бир қатор бўлинмаларимизда шу каби хайрия ишлари олиб борилди. Республикамиз мустақиллигининг 7 йиллиги муносабати билан шу кунларда ҳам бундай ишлар олиб борилаяпти.

- Дам олиш, соғломлаштириш ишлари қандай йўлга қўйилган?

- Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Халқимизда халқ соғлиги - юрт бойлиги деган содда, лекин сермаъно мақол бор. Гапни кичкинтойлардан бошлай қолай. Хўжакент юқорисида, Чимён этагида, тоғ бағрида «Геолог» деган болаларни соғломлаштириш оромгоҳимиз бор. У кўп гектарлиқ ҳудудга эга. Ниҳоятда гўзал ва фарзандларимизнинг кўнгилли дам олиб, ҳордиқ чиқариши учун ҳамма шарт-шароит муҳайё қилинган., Футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи каби спорт майдончалари, ажойиб чўмилиш ҳовузи мавжуд. Иситиш гелиоқурилмалари доимо иссиқ сувнинг бўлишини таъминлайди. Қатор тўгараклар ташкил этилган. Турли конкурслар ўтказилиб турилади. Бой кутубхона ўғил-қизлар ихтиёрида.

Оромгоҳда бу йил 1200 нафардан кўп ёшлар мазза қилиб дам олишди. Экологик ноқулай бўлган Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятидан келган юз эллик нафарга яқин ўғил-қизлар ҳам бизнинг оромгоҳимизда ҳордиқ чиқаришди.

Болалар дам олиш маскани баҳоси ҳам қиммат эмас. Ота-оналар йўлланма қийматининг бор-йўғи ўн фоизини тўлайдилар, яъни 840 сўм. Кўп болали, кам таъминланган оилаларга йўлланмалар бепул берилади.

Меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш, ҳордиқларини ташкил этиш йўлида қўлимиздан келганча ҳаракат қилаяпмиз. Бу йил ходимларимиз «Турон», «Чимён», «Чорток» каби санаторийларда даволаниб келишди. Давлат геология қўмитасига қарашли «Чоткол» санаторийси бор. У ниҳоятда хушманзара табиат қўйнига жойлашган. 300 ўринли бу сиҳатгоҳ ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Кўпчилик ишчи-хизматчиларимиз ана шу санаторийда даволанишади, ҳордиқ чиқаришади. Улар йўлланма қийматининг ўн фоизини тўлайдилар ҳолос. У эса икки минг сўмдан хиёл кўпроқ бўлади.

Кам таъминланган оилалар, фахрийлар учун имтиёзлар яратилган. Шу жумладан иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, фахрийларга санаторийда даволаниш бепул. Уларнинг оила аъзолари ҳам бу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эгалар.

Булардан ташқари жойлардаги бўлинмаларимизнинг табиатнинг гўзал гўшалари бағрида дам олиш ҳудудлари бор. Чорвоқ сув омбори яқинида Псков, Чимён, Янгиқўрғонда дам олиш ҳудудлари ёз мавсумида фаолият кўрсатади. Оила йили муносабати билан турли мебель ва жиҳозлар ажратилди. Бу йил ишчи-хизматчиларимизнинг кўпчилиги тоғлар бағрига жойлашган дам олиш ҳудудларида мазза қилиб оилавий ҳордиқ чиқардилар.

Республика мустақиллик байрамини ишлаб чиқаришда, ижтимоий ҳаётда муносиб кутиб олиш мақсадида қатор тадбирлар белгилаган эдик. Жумладан бу катта байрамга атаб республика геологик ташкилотлари ва корхоналари ўртасида бадиий ҳаваскорларнинг кўрик-конкурси бошлаб юборилган эди. У якунланмоқда. Шунингдек, мустақиллик кунининг етти йиллигига бағишлаб, меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларига жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳаракатига жалб этиш мақсадида спорт мусобақаларини бошлаб юборган эдик. Жойларда мусобақалар ўтказиб бўлинди. Ҳозир финал қисми ўтказилмоқда.

Мустақиллик куни арафасида 16 оила ажойиб совға олади. Зангиота тумани Эшонгузар қишлоғида ҳар бири 8 хонадонга мўлжалланган икки уй фойдаланишга топширилади.

Мустақиллик йиллари мобайнида вилоятимиз шаҳар ва қишлоқлари катта қурилиш-бунёдкорлик майдонига айланди, десак муболаға бўлмайди.

Республикамизнинг ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришишида катта аҳамиятга эга бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг газ конденсатини қайта ишловчи биринчи навбатининг ишга туширилиши оламшумул воқеа бўлди. 7

ҲУРРИЯТ ЙИЛЛАРИ— БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛЛАРИ

йил мобайнида 27 та катта-кичик саноат ишлаб чиқариш корхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, шундан 17 таси ёки 63 фоизи қишлоқ жойларида қурилган.

Мустақиллик даврида маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 61798,9 млн. сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бунинг 6760 млн. сўми ёки 11 фоизи бюджет маблағлари ҳисобланади.

Шу йиллар мобайнида 3306,7 минг квадрат метр уй-жой қурилди, бунинг 2958,1 минг квадрат метри ёки 89,5 фоизи якка тартибда уй-жой қурувчилар ҳисобидан амалга оширилди. 52,3 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари, 11,4 минг ўринли болалар боғчаси, 845 ўринли касалхоналар, сменада 3095 кишини қабул қилувчи амбулатория-поликлиника муассасалари қурилиб, халқ хизматига берилди.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида, шу йиллар мобайнида 1040 км. сув ва 3446 км газ тармоқлари қурилди. Вилоят аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлиги 11,8 фоиздан 65,3 фоизга, шу жумладан, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш 0,9 фоиздан 41,4 фоизга, табиий газ билан таъминланганлик эса вилоят бўйича 46,4 фоиздан 82,8 фоизга, шу жумладан, қишлоқ аҳолисини газ билан таъминлаш 17,2 фоиздан 73,2 фоизга етказилди.

Вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи соҳа ҳисобланади. Шунинг учун, истиқлол йилларида 13512 гектар янги ер ўзлаштирилиб, 27709 гектар ер қайта таъмирланди, 3150 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, 12696 гектар коллектор-дренаж тармоқлари қурилиб, қайта тикланди.

Республика ҳукуматининг қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилашга, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган 1996 йил 21 майда қабул қилинган қарорини бажариш борасида аниқ тадбирлар амалга оширилиб, 10,86 минг квадрат метрли савдо дўконлари, 4,47 минг ўринли умумий овқатланиш корхоналари ва 202 та маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қурилиб, халқ хизматига берилди. Мавжуд 183 та қишлоқ ҳакимлик амбулатория ва фельдшер-акушерлик пункти қайта таъмирланиб, замон талабларига жавоб берадиган тиббиёт асбоб-ускуналари, янги жиҳозлар, муҳандислик коммуникациялари ва малакали тиббиёт ходимлари билан таъминланган қишлоқ ҳакимлик пунктларига айлантирилди.

1997 йили кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоройи шарифнинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан бошланган катта миқдордаги қурилиш, ободонлаштириш, тарихий обидаларни қайта тиклаш борасида ишлар тўхтатилган эмас. Шаҳримиз ҳуснига-ҳусн қўшаётган бир қатор объектлар барпо этилаяпти. Республикамиз мустақиллигининг 7 йиллик тўйини нишонлаш арафасида фойдаланишга топширилади, шаҳримизнинг эски ва янги қисмларини рамзий боғлаб турган майдонда қад кўтараётган «фавворалар мажмуи»да бунёдкорлик ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

Бироқ, қурилиш соҳасида ҳам ечимини кутаётган муаммолар кам эмас.

Биринчидан, қурилаётган объектларни маблағ билан тўла таъминлашга эришишимиз, чет эл инвестициялари ва бюджетдан ташқари манбаларни қидириб топишимиз зарур бўлиб қолмоқда.

Иккинчидан, қишлоққа саноат олиб кириб, аҳолининг қишлоқ хўжалигида банд бўлмаган қисмини иш билан таъминлаш мақсадида бошланган бир қатор қурилишлар - Жондор, Шофиркон, Ромитан туманларидаги енгил саноат, Пешку туманидаги маҳаллий-саноат корхоналари қурилишларини, хорижнинг илғор технологияси ва сармояларини жалб қилиб, ниҳоясига етказишимиз, бозорда рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришимиз зарур бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш мақсадида қуриладиган ва унда ишлатиладиган ҳар бир қурилиш материалнинг пудрат ишлари бозори (тендер) орқали ўтказилишига тўла эришишимиз зарур.

Ёқубжон ҒАФФОРОВ,
Бухоро вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бўлим бошлиғи.

Истиқлол ва истеъдод

БАРМОҚЛАРГА ЯШИРИНГАН ҚУДРАТ

Мусиқа таралмоқда, куй чалинмоқда. Ў дилларга баҳорий насимларни олиб кирар, олис орзуларнинг бўйлари янглиғ илиқ бир кайфиятга ошуфта этар... Сокин ўрмонларнинг шивир-шивиридан, зилол сувларнинг, томчиларнинг нидосидан сўзлагувчи қудрат ҳам уларда. Ана шу қудратни ифода этиш учун қатта истеъдод керак. Тошкент вилояти Зангиота туманилик ўқитувчи оиласининг фарзанди Фазлиддин Ҳусанов ана шундай ноёб қобилият соҳибидир.

Фортепьяно клавишлари узра Фазлиддиннинг чаққон бармоқлари оҳанглар тилсимидан сўзламоқда. АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида халқаро музикачиларнинг танловида залга йиғилган мухлислару, мусиқа санъатининг билимдонлари Фазлиддин ижросидаги Ф.Шопеннинг «Тўртли скерцо»сида ўзга бир жозиба ҳис этган мисол унинг қобилиятига лол қолдилар.

Фазлиддин Ҳусанов халқаро конкурснинг лауреати бўлди. Моҳир ижрочилик маҳоратини эъзозлаган ҳайъат аъзолари 2-ўринга муносиб кўрдилар. Мазкур танлов президенти Паул Поллайн тавсиясига биноан Фазлиддин қатор Европа давлатларида концерт дастурларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шу тариқа Австрия, Германия, Франция, Чехия, Словакия, Португалия, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг нуфузли концерт залларида унинг ижросидаги куйлар ўз мухлисларини топди. Навбатдаги концертлар эса Испания, Бразилия юртларида бўлиб ўтади.

Ҳозирда у Германиядаги Троссинген шаҳри олий мусиқа мактабида музика маҳоратининг нозик сирларини ўрганмоқда. Оламдаги барча халқлар-миллатидан қатъий назар таржимонсиз оҳанглар оғушида бир-бирларини музика орқали яхши тушунадилар, ҳис қиладилар. Мусиқанинг қудрати беҳисоб. Бугун Истиқлол насимлари эсиб турган мустақил Ўзбекистонимиз санъаткорлари ўз маҳоратлари билан дунё халқларининг олқишига сазовор бўлмоқдалар. Юртимиз шавкатини оламга ёйишда ўз ҳиссасини қўшишни орзу қилишидан сўзлаган эди Фазлиддин ҳам. Бугун у қалбига қулоқ тутиб, ўқиб изланмоқда. Мусиқа сирларини дунёнинг энг машҳур мусиқашуносларидан ўрганаётир. Бу ҳам Истиқлол неъмати, Истиқлол шарофатидир.

Ф.ҲОЖИҚУЛОВА

Суратда: Фазлиддин Ҳусанов.

Касаба уюшма, унинг ўз ўрни бор

ШЎРСУВНИНГ КЕЛАЖАГИ ШЎР ЭМАС

Шўрсув... Диёримиз бағридан жой олган бу кичик шаҳарча тўғрисида биров билади, биров билмайди.

«Шўрсув»га қизиқиш асосан XIX асрдан бошланган. «Шўрсув»ни тадқиқ қилган олимлар олтмишинчи йиллар матбуотида Менделеев даврий системасига кирган кимёвий моддаларнинг ўттиздан ортиғи мавжуд эканлигини баён қилишган. Бу воҳа қаърида кўмир, мум, олтингугурт, нефть ва газ каби бойликлар жуда кўплиги эътироф этилган.

Аммо кейинги йилларда «Шўрсув» эътибордан четда қолиб кетди. Бир пайтларда мингга яқин аҳолиси бўлган, меҳнат қилган шаҳарчада, бугунги кунда 1800 нафардан ортиқроқ киши истиқомат қилмоқда. 2 та ғишт заводи, тўпроқ уни ишлаб чиқарадиган завод ва тоғ-кимё комбинати баҳоли қудрат ишлаб турибди. Тоғ ҳом ашёларидан гипс маҳсулотлари, оҳак ва оҳак уни, ғишт ишлаб чиқариляпти, холос.

- Шундай бўлсада,-дейди тоғ кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмасининг раиси Қодирали Бўрибоев, - «Шўрсув» номини улуғлаб келяпмиз. Жамиятимизнинг ўнта цехида 600 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Шулардан 128 нафари аёллардир. Йигитларимиз чўян қуйиш, оҳак ва гипс маҳсулотлари ишлаб чиқариш, олтингугурт, қум, шағал ишлаб чиқаришдек оғир ишларни бажараётган бўлсалар, аёлларимиз тикувчилик, полиэтилин плёнкаларни ишлаб чиқариш, олтингугурт унини қопчаларга жойлаш ишлари билан шуғулланяпти.

Корхона ишчи-хизматчиларининг унумли меҳнатлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Шаҳарчадан 20-25 километр узоқликда яшовчи ишчи-хизматчилар учун махсус хизмат автобуси ажратилган. Ҳар бир сменанинг тушлигига бир маҳал бепул сут-қатиқ, иссиқ овқат тайёрлаб берилади. Ҳар бир цехда ошхона, қозон-товоқ бор, дам олиш хоналари мавжуд.

- Ишчи-хизматчиларнинг саломатлиги масаласига қандай аҳамият бериляпти? - сўрадик раисдан.

- Корхонамиз қошида ишчилар профилакторийси ишлаб турибди. Ҳар йили бу ерда 250 ишчи-хизматчи соғломлаштирилади. Бу ерда кишилар суяк оғриқлари, тери касалликлари, асаб, буқоқ каби дардлардан бартараф этилади. «1998-оила йили» бўлгани сабабли сиҳатгоҳимизда ишчи-хизматчиларимизни бутун оила аъзолари билан дам олиб, даволанишини ташкил этдик. Улар қиймати 11 минг сўм турадиган йўлланманинг атиги 6 фоизини тўлашади, холос. Шунингдек ойма-ой ишчиларимизни республикамиздаги қатор сиҳатгоҳ ва дам олиш масканларига юбормоқдамиз. Шу кунгача 7 ишчи-хизматчимиз имтиёзли йўлланмалардан фойдаланиб, Чортоқ, Зомин, Чинобод сиҳатгоҳларида даволаниб кетди.

Булардан ташқари жамоа шартномасига асосан ишчиларимизга меҳнат таътилидан олдин 1000 сўмдан 6 минг сўмгача қўшимча пул бериляпти. Уларга ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиздан 20 фоизгача арзонлаштириб бераяпмиз. Дафн маросимига 5 минг сўмдан, уйланиш тантанасига 2-4 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу йил шундай ёрдамдан 74 киши баҳраманд бўлди.

- Ишчиларнинг фарзандларига қандай қулайликлар яратилган?

- Ҳудудимизда 1 та ўрта мактаб, 1 та болалар боғчаси ва «Қуёшча» болалар оромгоҳи мавжуд. Болалар муассасаларида ҳам барча зарур шароитларни яратяпмиз. Боғчамизда 50 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Болалар оромгоҳида ўтган йилда 286 нафар ўқувчи дам олган эди. Бу йил 200 нафари ҳордиқ чиқаряпти. Унга тажрибали зиёкор Каримжон Отақулов раҳбарлик қилмоқда.

Дарҳақиқат мақсадга етмоқ учун кишилар саломатлигини ўйлаб иш юритиш, соғлом авлодни камолга етказиш ўта муҳимдир. Бу борада Шўрсув тоғ кимё ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Бу ерда ишчиларнинг ойлик маошлари ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб берилмоқда. Пул топилмаганда маош ва дивиденд учун натура ҳисобида ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулотдан беришяпти. Ишқилиб ишчилар кўнглида ранжишни сезмадик. Иш маромли унумли. Ойлик ва чорак иш режалари ортиғи билан бажарилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Мамлакатимизда саноат корхоналари ишини такомиллаштириш, ички имкониятларни топиб, ишга туширишга, чет эллик сармоядорлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш масаласига алоҳида аҳамият бериляпти. Ана шулар қаторида «Шўрсув» ҳам мутасадди раҳбарлар ҳамда ишбилармон кишилар назарига тушиб, машҳур бўлиб кетса ажабмас. Бу масканда меҳнаткаш, жонкуяр инсонлар жуда кўп.

Т. МИРЗАРАҲМАТОВ,
журналист.

TV

ДУШАНБА 24

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.40 «Таҳлилнома».

*

8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
9.25 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига** Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 5-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.00 Жаҳон спорти.
10.15 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
10.50 Мустақиллик одимлари.
10.55 Кино янгиликлари.
11.10 Жаҳон киноси юлдузлари.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.05 Кундузги сеанс. «Бурилиш». Бадиий фильм.
13.40 «Фермер». Телетанлов.
14.10—15.10 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 1-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Яшил орол сири». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Қувноқлар давраси».
18.40 «Олам ва одам».
19.00 Мустақиллик одимлари.
19.05 «Сизга айтар наволарим бор». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05, 23.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иктисод алифбоси».
21.30 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Истиқлолим, сени куйлайман». Мусиқий дастур.
22.10 «Сиёсат оламида».
22.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: Алп Жамол. «Ғиғизион». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 24.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.40 «Жаҳон урушларининг махфий архивларидан». Телесериал.
19.05 «Мафтункор диёр».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.20 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
22.10 «Бурч ва масъулият».
22.20 «Даракчи»(рус тилида).
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Кинонигоҳ. «Раввин Якоб саргузаштлари».
00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

* * *

17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 20.40

*

20.40 Эълонлар.
20.45 «Гўзалликнинг қошида ахир...»

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Дастин Хофман. «Синов муддати» фильмида.
23.15 — 23.35 «Ахборот»(рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.35 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига** «Шукрона».
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Тошкент фавворалари». Кинолавҳа.
20.25 «Ўзбекистон — умумий уйимиз» рукнида «Чинор» видеоканали.
«Айнурек»
«Умид».
21.15 «Намастэ».
21.40 Кинематограф «Зина, Зинуля».
23.05 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.25 Спорт-тайм.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

30-канал

СОАТ 18.00 ГАЧА ЛИНИЯДА ПРОФИЛАКТИКА

18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Ёшлар телесериали (Франция).
18.45 «Қора марварид». Телесериал (Аргентина).
19.30 «Қулгили воқеалар».
20.00 Спорт янгиликлари.
20.30 «Тунги мультик».
20.45 «Клип-сюрприз».
21.30 «Юлдузлар чарақлаган душанба».
23.15 Телесериал.
00.15 «Бойўғлига навбат».
01.05 Тунги мусиқий канал.
01.30 «Метеохабар».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.55 — Янгиликлар.
8.15, 17.20 — «Роксолана — султон асираси». Сериал.
8.55 «Мўъжизалар майдони».
9.55 «Сиҳат-саломатлик».
10.20 «Хонаки кутубхона».
10.30, 18.30 — «Куйини топинг».
11.15 «Биргаликда» дастури.
12.00 Сахро рицарлари «Сиёвуш ҳақида қисса» саргузашт фильмида 1-фильм.
13.35 Мультфильм.
14.20 Мультсериал.
14.45 «Марафон-15».
15.05 «Юлдузли онлар».
15.40 «Орзуларимиз оғушида». Сериал.
16.05 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
16.30 «Оламга саёҳат».
18.05 «Тиғиз пайт».
19.00 Душанба куни Познер билан. «Никобоги киши» дастури.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Тоғлик». Саргузашт сериал.
21.50 Хоккей бўйича халқаро турнир. «Спартак-98» кубоги. Финал.
00.10 Кино чизиғи. Вера Марецкая «Трубной кўчасидаги ўй» фильмида.

РДТ

6.00, 7.35, 14.35 — Мультфильмлар.
6.15 «Ўйғон».
8.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.00 — «Вести».
7.00, 22.45 — «Навбатчи қисм».
7.15 «Товарлар — почта орқали».
7.20 «Дориномалар».
7.25 «Ён дафтарингизга».
7.30 «Православ тақвими».
8.15 «Эски квартира. 1957 йил». 2-қисм.
9.10 «Санта-Барбара».
10.30 Олег Даль, Игорь Дмитриев ва Донатас Банионис «Шаҳзода Флоризелнинг саргузаштлари» авантюрали комедиясида. 1-серия.
11.35 Енгил атлетика. Европа чемпионати. Будапештдан олиб кўрсатилади.
13.30 «Уз вақтида».
14.00 «Кузяга қўнғироқ қилинг!». Болалар интерактив ўйини.
14.30 «Итлар олами». Комик сериал.
15.00 «Минора». Ёшлар ахборот-дам олиш дастури.
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
